КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 249 (1310), 2024 йил 7 декабрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ФАОЛ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭНЕРГИЯ ҚУВВАТЛАРИНИ ОШИРИШ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни Тошкент вилоятига ташриф буюриб, транспорт, энергетика ва туризм соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб “Тошкент — Хўжакент” йўналишида янги электропоездни кўздан кечирди.

Президентнинг ўтган йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти трансформация қилинмоқда. Жамият таркибида инфратузилма, вагон хизмати, йўловчи ташиш кабилар билан шуғулланувчи 6 та мустақил корхона иш бошлади.

Поездлар парки ҳам кенгайтирилмоқда. Айниқса, йўловчи ташишда аҳоли ва туристларга қулайликлар оширилмоқда. Янги поездлар олиб келинди. Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга “Афросиёб” электропоездларининг қатновлари кўпайтирилди.

Ўтган даврда юртимизда 3 минг километрдан зиёд темир йўллар электрлаштирилди. Бухоро — Урганч — Хива темир йўл тармоқларини электрлаштириш якуний босқичда. Мискин — Нукус йўналишида жадал давом эттирилмоқда. Тошкент атрофида ҳам электрлашган йўл қурилиб, поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди.

Энди “Тошкент — Хўжакент” йўналишида янги электропоезд қатновга қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу поездга чиқиб, ҳаракатланиши ва қулайликларини кўрди.

Вагонлар шинам ва ёруғ, йўловчилар учун қулай. Ўриндиқлар сони 586 та. Маълумот таблолари ва ёнғин хавфсизлиги тизими ўрнатилган. Поезд соатига 120 километргача тезликка чиқа олади. Ҳар бир тарафга кунига учтадан қатнов йўлга қўйилади.

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун шароитларни яхшилаш, темир йўлларни электрлаштириш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботларини тинглади.

Тошкент ва Хўжакент оралиғидаги темир йўлга туташ майдонларни 2025 йилги реновация дастурига киритиб, уларни тартибга келтиришга кўрсатма берилди. Йўналишдаги эгри қисмларни тўғри қилиб қайта қуриш орқали кунлик экспресс поездлар қатновини кўпайтириш ва кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш топширилди.

"Яшил макон" лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди. Темир йўл четларини кўкаламзорлаштириш, сув ресурслари чекланган ҳудудларда хорижий тажриба асосида қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни экиш, чет элдан фақат маҳаллий иқлимимизга мос бўлган кўчатларни келтириш зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Хушманзара тоғлар бағридаги бу ҳудуднинг драйвери, албатта, туризм. Сўнгги йилларда инфратузилма яхшиланиб, йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти яратилди. Дам олиш, соғломлаштириш, чанғи, саёҳат, умумий овқатланиш мажмуалари барпо этилди. Эски санаторий ва болалар оромгоҳлари янгиланди.

Хусусан, беш йил аввал туманда 2 минг 240 ўринли 26 та маскан бўлган бўлса, шу даврда соҳага 2 триллион сўмдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 мингдан кўп ўринга эга 59 та йирик туризм иншооти ишга туширилди. Асосий автомобиль йўли таъмирланиб, қўшимча йўллар қурилди.

Буларнинг натижасида туризм жадал ривожланди, ташриф буюрувчилар 12 баробарга ошди. Жумладан, беш йил олдин Бўстонликка йилига 850 минг сайёҳ келган бўлса, бу йил 11 ойнинг ўзида 12 миллион нафар ташриф буюрган.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, ушбу қутлуғ айёмда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги Конституция байрамининг алоҳида руҳи ва шукуҳи борлигини бугун барчамиз чуқур ҳис этиб, англаб турибмиз. Бу, биринчи навбатда, мазкур айёмнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта ўзгаришлар амалга оширилаётган тарихий бир шароитда ўтаётгани билан боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, шу йил 27 октябрда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга очиқлик ва рақобат руҳида ўтган сайловлар янгиланган Асосий қонунимизни ҳаётга татбиқ этиш йўлида ғоят муҳим қадам бўлганини яна бир бор таъкидлаш лозим.

Меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги хоҳиш-иродаси, бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, сиёсий маданияти яққол намоён бўлган ушбу сайловлар натижаларига кўра, юртимизда конституциявий ҳуқуқ ва ваколатлари кучайган, масъулияти бир неча карра ортган янги вакиллик тизими шаклланган албатта барчамизни мамнун этади.

Яна бир муҳим жиҳати — ҳокимлар бир пайтнинг ўзида маҳаллий Кенгашларга ҳам раҳбарлик қилиб келган амалиётдан ушбу органларга илк бор депутатлар орасидан сайланган Кенгаш раиси бошчилик қиладиган янги тизимга ўтилмоқда.

Бундан ташқари, ҳокимларнинг 30 дан зиёд ваколатлари маҳаллий Кенгашларга ўтказилгани ижтимоий ҳаётимизда демократия, халқпарварлик тамойиллари тобора кенг ўрин олаётганидан далолат беради.

Биз “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий принципга амал қилган ҳолда, парламент ва маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг фаоллигини янада ошириш, самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шароитларни яратиш, бир сўз билан айтганда, уларни чинакам халқ овозига айлантиришга қаратилган ислоҳотларимизни қатъий давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётимизга изчил татбиқ этиш борасида юртимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан сўнгги йилларда иқтисодиётимиз 2 карра ўсгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 3 минг долларга етгани, камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани, ҳеч шубҳасиз, тарихий натижадир.

Ислоҳотларни жадал давом эттириб, янгиланган Конституциямиз нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, оила ва маҳаллаларда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Шунингдек, Асосий қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгиланганидан келиб чиқиб, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, янги уй-жойлар, тиббиёт, таълим, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, йўл ва коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми 2 баробар кўпайтирилиб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва аҳолини кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида яқин йилларда олийгоҳларда қамров 50 фоизга етказилади. Биргина 2025 йилда боғча ва мактабларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш учун давлат бюджетидан 4 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир муҳим йўналиш — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш режалаштирилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоийлашувини ошириш ва умуман жамиятимизда инклюзивликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам янги босқичга кўтарилади. Пенсия тизимини ислоҳ этиш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, янгиланган Бош қомусимизда фуқароларнинг экология соҳасидаги ҳуқуқлари конституциявий даражада белгиланиб, давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлашга қаратилган мажбуриятлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Кириб келаётган 2025 йилни мамлакатимизда **“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”** деб эълон қилганимиз ва бу борада катта вазифаларни аниқ белгилаб олганимиз ана шу конституциявий қоида ва принципларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимни, бутун халқимизни ушбу йил бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақираман.

Ҳеч қачон унутмайлик: табиатни асраш — бу инсонни, келажакни асраш демакдир. Бебаҳо бойлигимиз бўлган серҳосил далаларимиз, зилол булоқларимиз, дарё ва кўлларимиз, тоғ ва адирларимизни асраб, боғу роғлар, яшил масканларни кўпайтирсак, Ўзбекистонимиз янада гўзал диёрга айланади, авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислоҳотларимизнинг ортга қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Шу маънода, халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури, хоҳиш-иродасининг ёрқин тимсоли ва амалий ифодаси бўлган Асосий қонунимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу ноёб қомуснинг ҳар бир моддаси ва қоидасини ўрганиш, уларга ҳурмат, меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиб, тўлақонли ижро этиш барчамиз учун муқаддас бурч ва мезонга айланишини истардим.

Аминманки, ана шундай юксак масъулият билан астойдил меҳнат қилиб, ислоҳотларимиз самарасини янада оширамиз ва олдимизга қўйган улуғвор мақсадларга албатта етамиз.

Сиз, азиз юртдошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ватанимизнинг обрў-эътибори, шону шуҳрати зиёда бўлсин!

Барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг ижодкори бўлган халқимиз омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни телефон орқали мулоқотда Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровни таваллуд куни билан самимий қутлади.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон етакчисига мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ҳамда мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда катта муваффақиятлар, қардош қирғиз халқига эса фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион доллардан ошди. Қўшма инвестиция фонди муваффақиятли фаолият юритмоқда, машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳудудлараро ва ишбилармонлик алоқалари, маданий алмашинувлар фаоллашди.

Энергетика ва транспорт соҳаларида йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Шу ойда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича лойиҳани бошлаш мўлжалланган.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик масалаларини юзасидан ҳам фикр алмашдилар ва бўлажак қўшма тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

ЎзА

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 32 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **483** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **107** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **275** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **7** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **94** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **25** нафарини чет эл фуқаролари, **32** нафарини аёл, **5** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **274** нафарини ёшлар (шулардан, **104** нафари вояга етмаганлар) ҳамда **6** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

“ҒЕЛОН” ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ЗОНАСИНИ ВА ХАЛҚАРО УМУММАВСУМИЙ КУРОРТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг туристик салоҳиятини ошириш бўйича ислоҳотларни изчил давом эттириш, тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги ишга туширилмаган мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига экологик туризм инфратузилма объектларини барпо этиш, шунингдек, туризм хизматларини диверсификация қилиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш орқали тоғли ва чекка ҳудудлардаги аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаини кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Қозон шаҳрида (Россия Федерацияси) 2023 йил 4-6 октябрь кунлари бўлиб ўтган III ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида Россия томони билан Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида **“Ғелон” халқаро умуммавсумий курорт мажмуасини ташкил этиш” лойиҳасини** (кейинги ўринларда — Инвестиция лойиҳаси) амалга ошириш бўйича келишувга эришилганлиги;

Инвестиция лойиҳаси доирасида инвестор томонидан Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ўз зиммасига олган ҳолда дастлабки баҳолаш бўйича жами **300 миллион АҚШ доллари** миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши;

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЧИНАКАМ МАЪНОДАГИ ВАТАННОМАДИР

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тантанали тадбир аввалида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига байрам табригини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Қайд этилганидек, бу йилги Конституция байрамининг алоҳида руҳи ва шукуҳини барча юртдошларимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис этиб, англаб турибди. Зеро, асосий ғояси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шаъни ва қадр-қимматини таъминлаш, илгари мавжуд бўлган “давлат — жамият — шахс” парадигмасини “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартиришдан иборат янги таҳрирдаги Конституция юртдошларимизнинг умумий мақсадлари, интилишлари, орзу-умидларини ўзида жо айлади.

Давоми 2-бетда





ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддаси.

ФАОЛ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭНЕРГИЯ ҚУВВАТЛАРИНИ ОШИРИШ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Бу суръат изчил давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари шундай лойиҳалар билан танишди.

Чирчиқ дарёси бўйида “Чорвоқ дарвозаси” туристик мажмуаси қурилмоқда. Қарийб 25 гектар майдондаги мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, 2 та супермаркет, 60 дан зиёд савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кафе ва ресторанлар, банк офиси, аквапарк, мусиқали фаввора, автотураргоҳ бўлади. Бинолар тепасига қуёш панеллари ўрнатилади. Дарё устида сайр учун шишали кўприк қурилади.

Мажмуа кунига 5 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Мавсумийлари билан бирга 2 минг 500 та иш ўрни яратилади.

Президентимиз хизмат турларини кўпайтириб, фаол туризмни ривожлантириш, бундай мажмуаларни бошқа туманларда ҳам лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳудудда экологияга алоҳида эътибор бериш, яшилликни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бўстонлиқ туманида барпо этилаётган “Ugam River” туристик мажмуасини ҳам бориб кўрди.

Угам дарёси бўйидаги бу маскан илгари тўла фойдаланилмаган, тошлоқ жой эди. Бу йил 1 триллион сўмликдан зиёд лойиҳа доирасида қарийб 14 гектар майдонда қурилиш бошланди. Ҳозирда 17 та кўп қаватли уй қад кўтармоқда. Улар 5, 6 ва 7 қаватли, 870 хонадондан иборат бўлади.

Шунингдек, 16 та коттеж, 3 та ресторан, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат шохобчалари қурилади. Болалар ўйингоҳлари, ёпиқ сув ҳавзаси, фитнес ва спорт майдончалари, амфитеатр, автотураргоҳ, автомобиль кўприги, тоғ ва соҳил бўйи йўлаклари ҳам ташкил этилади.

Ушбу қулайликлари билан янги мажмуа йилига 200 минг нафар ташриф буюрувчига хизмат кўрсата олади. Бу туманнинг туризм салоҳиятини янада оширади. Биринчи босқич — кўп қаватли уйларни келаётган йилнинг бошида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари шундай хонадонлардан бирини кириб кўрди.

Сайёҳлар кўпроқ чиройли табиатга, тоза ҳавога интилади. Шуни инобатга олиб, мавжуд дарахтзорга қўшимча 20 минг туп кўчат ўтқазилади. Замонавий технологиялар воситасида кунига 1 минг метр куб дарё суви қайта ишланади. 2 мегаваттлик термал иситиш ва совитиш тизими йўлга қўйилади.

Президентимиз соҳа мутасаддиларига ҳудуд тарғиботини кенгайтириб, бундай масканларга сайёҳларни жалб этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Туризм лойиҳалари туфайли иш ўринлари кўпаймоқда. Шу билан бирга, аҳолининг анъанавий шаклланган касб-ҳунарларини ҳам асраш кераклиги таъкидланди. Масалан, туман асал, лимон етиштириш учун мос. Уларни ривожлантириш табиий муҳитни асраб-авайлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим.

Давлатимиз раҳбари Бўстонлиқ туманига ташрифи чоғида “Угам-1” кичик гидроэлектр станциясини кўздан кечирди.

Мамлакатимизда энергия қувватларини оширишда барча манбалардан фойдаланилмоқда. Хусусан, ҳудудларда кунлик энергия таъминотида гидроэнергетика қулай ва самарали. Улар умумий тармоққа уланмасдан ҳар бир ҳудуд ва маҳалла кесимида электр билан таъминлай олади. Олинадиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Шу боис, кейинги йилларда бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 400 мегаваттдан ортиқ янги гидроэлектр станциялари барпо этилиб, уларнинг қуввати 2,2 гигаваттга етказилди.

Тошкент вилоятида умумий қуввати 1 минг 330 мегаватт бўлган 25 та гидроэлектр станцияси мавжуд. Бу республикамиздаги жами гидроэнергетика қувватининг 60 фоизига тенгдир. Бугунги кунда қиймати 880 миллион доллар ва қуввати 340 мегаватт бўлган яна 4 та ГЭС қурилмоқда. Шунингдек, 2028 йилгача вилоятда умумий қуввати қарийб 2 минг 400 мегаватт бўлган, 4 миллиард 800 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилади.

Қуввати 1,48 мегаватт бўлган ушбу “Угам-1” кичик ГЭС қуриш орқали йилига 11,8 миллион киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди. Замонавий самарадор гидроагрегатлар ва автоматик бошқарув тизими ўрнатилди. Эътиборлиси, бунда тўлиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлатилган.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳудуддаги Чорбоғ, Хумсон ва Угам маҳаллалардаги 5 мингта хонадон ҳамда туризм ва дам олиш масканлари узлуксиз электр энергияси билан таъминланади. Йилига қарийб 4 миллион метр куб газ тежалади.

Ҳозирча Угам дарёсида иккита кичик ГЭС қурилди. Уларнинг ҳар биридан йилига икки юз миллиард сўм даромад олинаяпти. Сув оқимидан такрор-такрор фойдаланиш орқали бундай станцияларни ўнтагача етказиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу билан нафақат энергетика масаласи ҳал бўлади, балки ҳудуд инфратузилмаси ҳам яхшиланади. Тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги корхоналари пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбарига ҳудудларда режалаштирилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Соҳага хорижий инвестиция ва хусусий секторни жалб қилиб, 2030 йилга қадар жами қувватларни 6 минг мегаваттга етказиш белгиланган. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, мамлакатимиз бўйича икки мингтагача микро ва кичик ГЭСлар қуриш имконияти бор.

Президент Бўстонлиқ туманида ташкил этилаётган янги туризм масканида бўлди.

Бу ерда зарур инфратузилма яратилиб, капсула шаклидаги уйлардан иборат замонавий дам олиш маскани барпо этилмоқда. Шунингдек, ресторанлар, дор йўллари ва чанғи учиш майдонлари бўлади.

Ойнаванд капсула уйларнинг ўзига хос томони, улар енгил, кўчма, камхарж. Катта қурилиш қилинмаслиги боис, табиатга ҳам зиён етказмайди.

Давлатимиз раҳбари бундай уйларни Бахмал, Шаҳрисабз, Бойсун каби бошқа туризм масканларида ҳам ўрнатиш сайёҳлар эътиборини тортишини таъкидлади.

Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЧИНАКАМ МАЪНОДАГИ ВАТАННОМАДИР

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, 2023 йил 30 апрелда ўтказилган умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган Асосий қонунимиз муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз иштирок этди, сайловчиларнинг 90,21 фоизи янги таҳрирни қўллаб-қувватлади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинганига эндигина бир ярим йилдан ошган бўлсада, унда мустаҳкамлаб қўйилган конституциявий нормалар аллақачон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётимизда, қўйингки, барча жабҳаларда туб ўзгаришларга асос яратмоқда.

Жумладан, жорий йил 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар янгиланган Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистон тарихида илк бор аралаш сайлов тизимида, юртдошларимизнинг юқори уюшқоқлиги ва дахлдорлиги билан ўтди. Ушбу сиёсий жараённи, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этган сиёсий танлов сифатида баҳолаш мумкин.

Бинобарин, таъкидлаганимиздек, бешта сиёсий партиянинг тенг рақобат кураши остида кечган сайловлар аралаш сайлов тизими — мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида ўтказилди. Депутатларнинг 75 нафари бевосита мажоритар тизим — сайловчиларнинг ўзлари мақбул деб билган номзодларга овоз бериши йўли билан сайланган бўлса, қолган тенг ярми пропорционал тизим, яъни сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланди.

Яна бир муҳим жиҳат, бу галги сайловлар янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ, аҳолининг айрим гуруҳлари учун сайлов ҳуқуқларини чеклаш бекор қилинган юксак демократик шароитда ўтди. Пировард натижада юртимизда конституциявий ҳуқуқ ва ваколатлари кучайган, масъулияти бир неча карра ортган янги вакиллик тизими шаклланди.

Кейинги йилларда иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 3 минг долларга етди, камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга туширилди, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошди.

Эндиги вазифа — ўтган саккиз йилда амалга оширилган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, ривожланишни янги босқичга олиб чиқиш. Айни шу мақсадда янгиланган Конституциямизда барча асослар яратилган, унда белгилаб қўйилган нормаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали тадбиркорликни янада ривожлантириш, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, оила ва маҳаллаларда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Унинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши давлат зиммасига ўз фуқароларининг фаровонлигига доир катта масъулият юклайди. Бу эса кейинги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида олиб борилаётган инсонпарвар сиёсатимизга тўла мос экани билан аҳамиятлидир.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Президентимиз табригида айни йўналишга доир қайд этилган рақамлар: соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми 2 баробар кўпайтирилиши, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва аҳолининг кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ таъминланиши, олийгоҳларда қамров 50 фоизга етказилиши, 2025 йилда боғча ва мактабларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш учун давлат бюджетидан 4 триллион сўм маблағ ажратилиши, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун 46,5 триллион сўм маблағ сарфланиши ва 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилиши каби эзгу режалар юртдошларимизга катта хурсандчилик улашди, десак муболаға бўлмайди.

Умуман олганда, янгиланган Конституция — янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек катта ва эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий кафолати, 37 миллионлик катта нуфусга эга халқимизнинг бугунги ва келажакдаги тинч ва фаровон турмушининг асоси экани билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқимиз ардоғидаги санъаткорларнинг мусиқий чиқишлари байрам тадбирига кўтаринки руҳ бағишлади.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов иштирок этди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

“ҒЕЛОН” ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ЗОНАСИНИ ВА ХАЛҚАРО УМУММАВСУМИЙ КУРОРТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Инвестиция лойиҳаси 2024-2030 йиллар давомида **уч босқичда** амалга оширилиши, бунда **2027 йил 1 январга қадар** биринчи босқичда инвестор томонидан **100 миллион АҚШ доллари** миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг:

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида умумий ер майдони **2,9 минг гектар бўлган** “Ғелон” туристик-рекреацион зонасини (кейинги ўринларда — Туристик зона) ташкил этиш;

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида “Ғелон” туристик-рекреацион зонаси дирекциясини (кейинги ўринларда — Дирекция) тузиш;

Туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектларни ҳамда муҳандислик инфратузилмаларини барпо этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, Туристик зона фаолият кўрсатиш муддатини кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилга ташкил қилинади.

3. Қуйидагилар:

“Ғелон” туристик-рекреацион зонаси чегараларининг тавсифи **1-иловага** мувофиқ;

“Ғелон” туристик-рекреацион зонаси ҳудудини тизимли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар **2-иловага** мувофиқ;

“Ғелон” туристик-рекреацион зонаси ва унга олиб борувчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини реализация қилишдан ва ижарага беришдан келиб тушган маблағлар аукцион харажатлари чегириб ташланган ҳолда Дирекциянинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда бошқарув компаниялари хизматлари учун ҳақ тўлаш Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Жамғарма ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар “Чорвоқ” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган график асосида Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар ҳисобидан қопланади;

Туристик зона инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш харажатлари белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда Туристик зона фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳаси белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2025 йил 1 июнга қадар Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалари лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

2025 йил 1 октябрга қадар Дирекция томонидан Туристик зонани ривожлантиришни назарда тутувчи мастер режа ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Туристик зонадаги туристик инфратузилмани яратиш имконияти бўлган ер участкалари кейинчалик самарали фойдаланиш ва (ёки) инвесторларга реализация қилиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Дирекцияга ўтказилади;

Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини реализация қилишдан тушган маблағлар Дирекция фаолиятини молиялаштириш ҳамда тоғ туризми лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади;

Туристик зона ҳудудида ҳамда Инвестиция лойиҳаси доирасида умуммавсумий туристик объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш, ушбу объектларнинг Туристик зонанинг бош режасига мувофиқлиги Дирекция томонидан назорат қилинади;

Дирекция Туристик зона ҳудудида умумий фойдаланишдаги йўллар ва ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачи ҳисобланиб, йўл ва ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини Туристик зонанинг чегараларигача етказиб бериш мажбуриятини бажаради;

Дирекция лойиҳа компаниялари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ Туристик зона ҳудудида зарур инфратузилма объектлари барпо этилишини таъминлайди.

7. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги **бир ой муддатда:**

Дирекцияни Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани “Мираки” МФЙ Фурқат кўчаси 1-уй манзили бўйича жойлаштирилишини таъминласин;

Дирекция фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жойлаштириш, асосий воситалар, анжомлар ва транспорт воситалари билан таъминлаш учун қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан зарур маблағлар ажратсин.

8. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Кадастр агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда Туристик зона ҳудудидаги ер участкалари, бино ва иншоотлар ҳамда дарахт ва буталар тўлиқ хатловдан ўтказилишини, мавжуд дарахт ва буталар белгиланган тартибда муҳофазага олинишини;

уч ой муддатда ер участкалари олиб қўйилиши ва (ёки) бино ҳамда иншоотлари бузилиши натижасида мулкдорларга етказиладиган зарарлар миқдорига аниқлик киритилишини;

баҳолаш ишларини ташкил этиш учун зарур ҳужжатлар, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами тайёрланиши, баҳоловчи ташкилотлар жалб қилиниши ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар экспертизадан ўтказилишини;

ер участкалари олиб қўйилишидан аввал мулкдорларга компенсация тўловлари тўлиқ ҳажмда тўлаб берилишини таъминласин.

Бунда:

ер участкалари эгаларига етказилган зарар қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаб берилади;

Туристик зона ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар учун ажратиладиган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари лойиҳа ташаббускорлари томонидан қоплаб берилади.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Туризм қўмитаси, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Инвестиция лойиҳаси доирасида:

умумий узунлиги **33 км** бўлган Ҳисорак — Ғелон, Ҳисорак — Сарчашма автомобиль йўлини икки тасмали қилиб, Чироқчи — Шўрқудуқ автомобиль йўлининг **30 км** қисмини учинчи тоифадаги йўл даражасигача етказиш бўйича қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилишини;

Мираки — Ҳисорак автомобиль йўлини икки тасмали қилиб, учинчи тоифадаги йўл даражасигача етказилишини;

ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Туристик зона чегараларига қадар электр энергияси тармоғини тортиш ва подстанция барпо этиш, шунингдек, ичимлик ва оқова сув тармоқларини ўтказиш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

Бунда ташқи инфратузилма билан таъминлаш харажатларини молиялаштириш ва буюртмачиларни белгилаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5233-сон ҳамда 2024 йил 5 июндаги “Республика ҳудудларининг туризм салоҳиятини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–212-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

а) Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзсувтаъминот” АЖ билан биргаликда **2025 йил 1 мартга қадар** Инвестиция лойиҳаси доирасида объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни келишиш ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ишларини якунласин;

б) Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Туризм қўмитаси билан биргаликда:

Туристик зона ҳудудида туристик инфратузилма объектларини барпо этиш учун нуфузли ташкилотларни, шу жумладан, салоҳиятли хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш;

истиқболли ва устувор лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, Туристик зона ҳудудида дастлабки туризм, йўл-транспорт инфратузилмаси ҳамда коммуникация тармоқларини ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва грантларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

11. Туризм қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **2025 йил 1 апрелга қадар** Туристик зона брендини яратиб, республика ҳудудида ҳамда хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

12. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги:

Шаҳрисабз туманида Туристик зона ҳудуди доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер фонди тоифаларини ўзгартириш бўйича таклифларни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин;

Туристик зона ҳудудида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш ва намунавий санитария-гигиена шохобчаларини жойлаштириш ҳамда чиқиндиларни ташлаш нуқталарини белгиласин;

Туристик зона ҳудудида маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини минималлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш орқали қаттиқ маиший чиқиндиларни алоҳида йиғиш ва олиб чиқиб кетиш ишларини ташкил этсин;

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия билан биргаликда Туристик зона ҳудудида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка қатъий риоя этилиши юзасидан экологик назоратни ўрнатсин.

13. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Туристик зона ҳудудида Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармасининг мавжуд штат бирликлари ҳамда иш ҳақи жамғармаси доирасида хавфсизликни таъминлаш бўлимини ташкил этиш дастурини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига қишки спорт турларини оммалаштиришга қаратилган мақолалар чоп этиш ва мавзули теледастурларни эфирга узатиш тавсия этилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б.Азимов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси.



8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



ЎЗБЕКИСТОН – ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ

Конституциямизда белгиланган беш асосий тамойил – СУВЕРЕН, ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ ва ДУНЁВИЙ давлат мақсадларининг бешинчи таҳлили



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” газетасининг ўтаётган ҳафтада чоп этилган махсус сонлари бош қонунимизга бағишланди. Уларда мамлакатимизнинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат сифатидаги аҳамияти, бу борадаги туб ўзгаришлар ҳақида қатор мақолалар эълон қилинди. Бугун “Ўзбекистон — дунёвий давлат” тамойилида қандай ўзгаришлар бўлаётгани, бунинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида фикрлашмоқчимиз. Зеро, дунёвий давлат тамойили келажак кафолатидир.

Янги Ўзбекистон ислоҳотларнинг илк куниданоқ инсон қадрини улуғлашдек эзгу мақсад билан тараққиёт йўлини танлаган эди. Агар бахт формуласи яратилиши керак бўлса, у инсон қадри атрофида қурилади. Ахир қадр топмаган инсон бошқа ҳеч нарсага эриша олмайди. Ана шундай ҳаётбахш ғоя асосидаги дастлабки ўзгаришлар бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишдек улкан марралар сари етаклади. Бугун янги уйғониш даврининг асослари яратилмоқда. Ушбу жараёнда Бош қонунимизда “Ўзбекистон — дунёвий давлат” деган тамойил ўз ифодасини топиши ҳал қилувчи масаладир. Нега дунёвий давлат тамойилини тараққиётнинг ўқ илдизи сифатида кўрсатяпмиз? Келинг, буни атрофлича таҳлил этишга уринсак.

Турфа қарашларнинг ягона қиёфаси

Инсон доим бахт излаб яшайди. Юқорида айтганимиздек, бахтнинг формуласи инсон қадрига боғлиқ. Жамиятлар эса, турфа қарашлар, эътиқодлар, турли миллат ва элатлардан иборат. Хусусан, Ўзбекистон ҳам. Уларнинг ҳар бири бахтни фақат ўз қараши, мафкураси, эътиқоди асосида қуриш мумкин деб билади ва бу табиий ҳол. Нотабиийлик шундаки, мутлақ эркинлик ёки бутунлай чекловлар ана шу турфа қарашга тоқатсизликни келтириб чиқаради. Оқибатда бутун жамиятни битта қолипга солиш, ягона мафкура асосидагина бахтли бўлиш мумкин, деган қараш авж олади. Бу эса низоларга сабаб бўлади. Қайсидир тоифа ғояси илгари сурилиб, бошқаларнинг ҳуқуқи, қадри ерга урилади.

Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида бундай низоларга барҳам берадиган йўлни танлаган. Яъни мавжуд қонунлар барча учун тенг равишда виждон эркинлигини таъминлайди. Шу орқали жамиятда бирдамлик, турфа қарашларга эга фуқароларнинг ягона мақсад — мамлакат тараққиёти, деган ғоя атрофида бирлашиши таъминланмоқда. Бунда **“Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!”**, деган шиор йўлчи юлдуз бўляпти.

Инсоният тарихидан яхши маълум: бирдамлик йўқолиши, мафкуравий курашлар улкан мамлакатларнинг таназзулига сабаб бўлган. Ҳозирги глобал дунёда мафкуравий хуружлар кўлами қанча кенг экани, унинг аянчли оқибатларига ортиқча таъриф бериш шарт эмас. Аммо барчага аён бир ҳақиқатни такрорлаш зарур: бугун мафкуравий хуружлар, ёшларнинг онгу шуурини эгаллаш орқали тинчликка рахна солиб, дунёга яккаҳокимлик қилиш истаги ҳар қачонгидан кучайди.

Агар қайсидир мамлакатнинг муаммоси иқтисодиёт билан боғлиқ бўлса, уни ҳал этиш мумкин. Чунки иқтисодиётда аниқ рақамлар ишлайди ва бундай масалага ечим топиш осон. Ҳатто чегара масаласида ҳам келишиш мумкин эканини янги Ўзбекистон мисолида кўрдик. Марказий Осиё давлатлари билан дўстона муносабатлар ўрнатилиши орқали чегара билан боғлиқ масалалар ҳам ечим топди. Умуман, бу борадаги улкан ислоҳотлар фонида **Марказий Осиё руҳи пайдо бўлди.**

Аммо мафкуравий хуружларга чап бериш, бундай синовдан омон ўтиш осон эмас. Бунинг ягона йўли дунёвий давлат тамойилларини маҳкам ушлаш, шу асосда сиёсат юритиб, халқ бирдамлигини таъминлашдир. **Бугун янги**

Илмий, иқтисодий юксалиш ҳур фикрдан қувват олади

Мақоламиз аввалида дунёвий давлат тамойили келажак кафолати экани ҳақида айтган эдик. Энди ушбу фикримизни асослаш учун тарих ва бугунги кунимизни қиёслаб, таҳлил этсак. Юқорида дунёвий давлат тамойиллари ҳақида фикрлашдик. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон каби кўп миллатли ватанпарварлик ҳисси ҳам заиф бўлади. Масалан, босқинчилар қишнинг совуғида Амударёни кечиб ўтишда, озиқ-овқат борасида қийналганида маҳаллий аҳоли фавқулодда меҳрибонлик билан уларга ёрдам бергани ҳақида фактлар бор. Шунинг ўзиёқ мамлакат, миллат тақдирига бефарқ жамият шаклланиб улгурганини кўрсатади. Бунинг омили эса жамиятда бирдамликнинг, фаровон ҳаётнинг йўқлиги билан боғлиқ.

Шу боис, истилочилар осонгина юртимизга ва барча бойликларимизга эгалик қилди. Албатта, жадидлар тўғри йўлни топган, шу орқали юртни озод қилиш йўлида дадил қадамлар ташлаган эди. Аммо жамиятда бирдамлик йўқлиги, халқ ягона ватан бўлиб шаклланмагани, иқтисодий заифлик ўз ишини кўрсатди. Шу далилнинг ўзиёқ дунёвий давлат тамойили тараққиётнинг ўқ илдизи эканини тасдиқлайди. Чунки илмсиз иқтисодий ўсишга, ҳур фикр юритмай, барчани ўзи билан тенг инсон деб билмай илмга эришиб бўлмайди.

Янги Ўзбекистонда аждодлар меросига жиддий эътибор қаратилиб, халқаро даражадаги фестивалларни, илмий анжуманлар ўтказилишининг боиси ҳам шунда. Биз шонли тарихимизга, бой маданий меросимизга муносиб авлодларни тарбиялашимиз керак. Бунда жадидлар меросини ўрганишга катта эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас. **Айнан улар янги таҳрирдаги**



Ўзбекистон дунёда тинчликсевар мамлакат сифатида эътироф этилаётгани дунёвий давлат тамойилининг амалдаги ифодасидир. Хусусан, юртимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсадлари аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқаро бирдек ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Уларнинг қонун олдида тенглиги ҳам таъминланган. Бундан ташқари, юртимизда турли миллат ва элатларнинг тили, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинади. Мана шунинг ўзиёқ юқорида айтганимиз барча масалалар ечимининг ўқ томиридир. Чунки мазкур амалий ишлар сабаб жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, жипслик, инсонпарварлик ва бағрикенглик маданияти мустаҳкамланган. Шу орқали миллатчилик ва шовинизмга, фуқароларнинг миллатига қараб камситилишига ҳамда Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўйилмайди. Бу эса жамиятда олижаноб ғоя — мамлакат суверенитетини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожлантириш, давлатнинг ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлашга эришишда жуда муҳим фактор.

Дунёвий давлат асосини эса ҳар томонлама етук, салоҳиятли кадрлар, тафаккури кенг ёшлар ташкил этади. Шу боис, ёшларимизни миллий ғурур, умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссида камол топтиришга қаратилган сиёсат юритилмоқда. Буни илм-фанга катта эътибор берилаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Бу орқали ёшларни даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, замонга мос равишда IT технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун барча имконият ишга солинмоқда. Бундан ташқари, жадидлар илмий меросини ўрганиш, номини абадийлаштириш, ўлмас ғояларини кенг тарғиб этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Негаки бундай ислоҳотлар билангина инсон капиталини юксалтириш мумкин. Яна такрорлаймиз: бу — ўқ томир. Шу боис, давлатимиз раҳбари: **“Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”**, деган эди.

Келинг, бағрикенглик, ўзаро тотувлик, виждон эркинлигининг аҳамиятини тарихий фактлар асосида таҳлил этсак. Зеро, тарих — келажак кўзгуси, унга боқиб ибрат олиш ҳар бир фарзанднинг бурчидир.

Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида бундай низоларга барҳам берадиган йўлни танлаган. Яъни мавжуд қонунлар барча учун тенг равишда виждон эркинлигини таъминлайди. Шу орқали жамиятда бирдамлик, турфа қарашларга эга фуқароларнинг ягона мақсад — мамлакат тараққиёти, деган ғоя атрофида бирлашиши таъминланмоқда. Бунда “Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!”, деган шиор йўлчи юлдуз бўляпти.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

мамлакатда дунёвий давлат тамойилини адолатли тарзда қарор топтириш осон эмас. Аммо бу халқимиз учун бегона ҳам эмас. Яъни бундай адолатни ўрната олиш генимизда бор. Масалан, улуғ аждодимиз Мирзо Бобур бунга яққол мисол бўлади. У Ҳиндистонга борганида ўлкада турфа элат, қабила яшар, ҳар бир оилага хос илоҳи бор жамият шаклланган эди. Бобур эса бутунлай бошқа дин ва қараш эгаси эди. Аждодимиз ўз динини мукаммал билган, бу борада ҳатто илмий асосдаги китоблар ёзган аллома, шоҳ ва шоир сифатида зукколик билан иш тутди. Бобур ҳазратлари халқимизга хос адолатга йўғрилган дунёвий давлатга асос солди. Турфа қараш ва мафкурага эга жамият маърифат билан бошқарилди ва бобурий шаҳзодалар буни узоқ вақт давом эттира олди.

Энди яқин ўтмишимизга қайтсак. Хонликлар даврида ҳудудий ва иқтисодий суверенитети заиф, бошқарувдагиларнинг аксарияти ўзини олий табақа деб билгани боис, ҳуқуқий, демократик қарашлар бўғилган, бунинг оқибатида ижтимоий заиф қатлам кўпайиб, камбағаллик даражаси ошган эди. Чунки хурофотга йўғрилган дунёқараш замонавий илм-фанни ўзлаштиришга халал берарди. Натижада ёшларнинг аксарияти илмдан узоқ, тафаккури тор бўлиб улғайган эди. Асосийси, бундай жамиятда **Конституциямизнинг 1-моддасида ёзилганидай юртимизни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида кўришни орзу қилган, шу йўлда жонини фидо қилган эди.** Хўш, уларга қанчалик муносиб авлод эканимиз жадидлар орзу қилган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишдаги ислоҳотлар билан ўлчанади, назаримда. Келинг, такрор бўлса-да, ушбу йўналишлардаги ўзгаришларнинг айримларини эсласак.

Биринчидан, давлат суверенитети ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. Қўшни давлатлар билан чегара масаласи тубдан кўриб чиқилди ва тарихий натижаларга эришилди. Бу ҳудудий яхлитликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Қолаверса, миллий армиямизни нафақат жисмоний ва техник, балки маънавий жиҳатдан ҳам юксалтириш борасида жиддий ишлар қилинмоқда. Масалан, “Темурбеклар мактаби”да ёшларимиз миллий ғурур, умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссида камол топмоқда. Бундан ташқари, аҳоли орасида ҳарбий-ватанпарварликни кенг тарғиб этиш борасида туб ўзгаришлар қилинди. Бир пайтлар армия биз учун мутлақо ёпиқ қўрғон эди. Ҳозир ундаги шарт-шароитлар, техник имкониятлар очиқ эшиклар куни, оммавий ҳарбий чиқишлар орқали намойиш этилмоқда. Шу орқали армия том маънода халқ ичига кириб борди. Бундай ўзгаришлар нафақат ёшлар орасида ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кучайтирмоқда, балки жамиятда эртанги кунга ишончни ҳам мустаҳкамламоқда.

Яна бир муҳим омил иқтисодий фаровонликдир. Кўпгина масалаларга ечим бўладиган иқтисодий юксалиш мамлакат суверенитетини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги ўсишлар ҳам кишини қувонтиради. Хусусан, иқтисодиётимиз 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Эътибор қилинг, 2018 йилда аҳоли жон бошига даромад 1600 доллар эди. Ҳозир 3000 долларга етиши кутиляпти. Бу аҳолининг турмуш тарзида яққол кўзга ташланади. Оддий мисол: бундан уч йил олдин ҳам шаҳар кўчаси тунги соат 12:00 дан кейин ҳувиллаб қоларди. Тонгда соат 7 да кўчага чиқсангиз ҳам шу аҳвол эди. Ҳозир деярли 24 соат давомида кўчаларда тирбандликка дуч келасиз. Бу фақат аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ эмас. Деярли барча хонадонда шахсий машина бор, дегани. Жаҳон банки ҳам 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаётган 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди.

Иккинчидан, демократик, ҳуқуқий давлат сифатида фикр эркинлигига кенг йўл очилди. Фикр эркинлиги ҳақида сўз кетганида одатда қанча оммавий ахборот воситалари фаолият юритаётганини айтамиз. Аммо улар қандай чиқишлар, фикрларни ўртага ташлаётгани ҳақида кўп ҳам сўз юритилмайди. Ахир демократиянинг асосларидан бири — фикр эркинлиги! Факт шуки, бугун ижтимоий тармоқларда ҳам барча ўз фикрини қонун доирасида билдирмоқда. Жамиятда фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги шаклланмоқда. Матбуотда, хусусан, “Янги Ўзбекистон” газетаси ва унинг расмий веб-сайтида ҳам таҳлилий-танқидий мақолалар бериб бориляпти. Бу ҳам мамлакатимизда тўртинчи ҳокимиятнинг мустақиллигини таъминлаш, демократик тамойилларни тўла шакллантириш сари дадил борилаётганини кўрсатади.

Ҳуқуқий давлат сифатида ҳам юртимизда жуда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди. Оддий мисол: юртдошларимиз мурожаат қилиш ҳуқуқидан тўла фойдаланиш имконига эга бўлди. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларга давлат хизматларини кўрсатишда мутлақо янги тизим яратилди. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган даъват билан бошланган ислоҳотлар ҳаётда ўз ифодасини топди. Бунинг натижасида жуда кўплаб инсоннинг ҳаёти тубдан ўзгарди. Айнан инсон ҳуқуқлари кафолатланиши туфайли ноҳақ қамалган, жазога тортилганлар одатий ҳаёт тарзига қайтарилди. Қамоққа олиш, тергов қилиш жараёнлари ўзгарди. Масалан, давлат томонидан гумондорга юридик хизмат кўрсатиш кафолатланди. Давлат хизматларини кўрсатиш сифати тубдан ўзгарди. Масалан, бир пайтлар паспорт алмаштириш учун кунлаб навбат кутиб, ҳужжат топширилларди. Бундай қийинчилик ва сунъий тўсиқлар таниш-билишчилик ва “олди-берди”га замин яратарди. Ҳозир онлайн ариза топшириш, паспортни почта хизмати орқали олиш ҳам мумкин. Ҳатто зарурат туғилганда бу хизмат хонадонга бориб ҳам кўрсатилмоқда. Бундай мисолларни узоқ санаш мумкин. Муддао шуки, халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага ёки узоқ келажакда эмас, ҳуқуқий давлатнинг фуқароси ўлароқ айнан бугун кўра бошлади.

Учинчидан, янги Ўзбекистон улкан марраларни забт этишда ижтимоий давлат тамойилига амал қилиш йўлидан бормоқда. Натижада ортга қайтмас тус олган ислоҳотларнинг ҳаётбахшлиги таъминланяпти. Биз ижтимоий давлат қандай бўлишига ортиқча таъриф беришдан йироқмиз. Аммо бу борада бошланган ишлар натижаси, моҳияти ҳақида кенгроқ тўхталсак. Чунки юқорида айтганимиздай жамиятда ватанпарварлик руҳи юксак бўлиши ижтимоий адолатга боғлиқ.

Одатда бирон тамойил, ислоҳот аввал қонунларда ўз аксини топиб, кейин амалиётга татбиқ этилади. Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат тамойилига ўтиш дастлаб амалий кўринишдан қонуний асос сари борилди. Яъни бу борадаги тажрибамизни ошириб, мустаҳкамлаб, шунга муносиб тарзда қонуний асосга ўтдик. Хусусан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаёқ ижтимоий соҳани ривожлантириш белгиланган, шу билан бирга инсон капиталини ривожлантириш борасида ҳам вазифалар кўрсатилган эди. Натижада олий таълимга қамров йил сайин ошириб борилди. Таълимнинг барча босқичида рақобатни таъминлаш орқали сифат кўрсаткичини кўтариш борасида ҳам жуда катта ўзгаришлар бўлди. Хусусий секторга кенг йўл очилди. Натижада ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олийгоҳ ташкил этилди. Шу тариқа мактабгача таълим қамрови 74 фоиздан, олий таълимда эса бу кўрсаткич 39 фоиздан ошди. Ислоҳотларнинг дастлабки даврида инсон капиталини юксалтиришга қаратилган ишлар шу тариқа амалий қиёфа касб этди.

Яна бир муҳим йўналиш бандлик, моддий таъминот масаласидир. Бу борада ҳам ижтимоий давлат масъулияти бўлган ислоҳотлар анча олдин бошланган эди. Хусусан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” ташкил этилди. Ишлаётган пенсионерларга юз фоиз пенсия тўлашга ўтилди. Бу жараён давом этиб, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилди, мономарказлар фаолияти йўлга қўйилди. Камбағаллик чоҳига тушган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар аъзолари таълим олиши, ҳунар ўрганиши учун қатор имтиёзлар жорий этилди. Ижтимоий йўналишдаги ислоҳотларни янги босқичга чиқариш учун 2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” дея номланди. Шу тариқа аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқланди. Муҳими, мамлакатда камбағаллик муаммоси илк бор тан олинди. Аҳолига ижтимоий кўмак беришнинг янги тизими жорий этилди. Бу борадаги ишлар таълим ва тиббиёт соҳаларидаги ислоҳотлар билан мустаҳкамлаб борилди.

Содда ва лўнда қилиб айтганда, ижтимоий давлат дегани халқпарварлик, инсонпарварликка йўғрилган адолатли бошқарув эканини ҳаётимиз мисолида кўрдик. Бу адолат инсонларнинг жисмоний, маънавий ва моддий ҳолатидан қатъи назар, барчага бирдек имконият яратиш эканига гувоҳ бўляпмиз. Ижтимоий адолат ўрнатиш орқали барчанинг орзу-умидларига кенг йўл очилмоқда.

Мақоламиз давомида дунёвий давлат тамойили тараққиётнинг ўқ илдизи эканини бот-бот такрорладик. Бунинг аҳамияти ва мазкур қараш бизнинг генимизда борлигини ҳам имкон қадар исботлашга уриндик. Агар тарихимизда бу борада орқага кетиш кузатилган бўлса, у ҳам табиий жараёндир. Чунки гендаги кодлар айрим сабаблар туфайли вақти-вақти билан “дам олиш”га мойил бўлади. Бугун ана шу кодлар яна қонимизда жўш урмоқда. Боболардан мерос бундай эзгу ташаббуслар, ҳаётбахш ислоҳотларни эса янги таҳрирдаги Конституциямизга муҳрлаб қўйганмиз. Бунинг аҳамиятини, ҳаётимиздаги аксини газетамизнинг ўзига хос конституциявий ҳафталигида эълон қилинган мақолаларда очиб беришга уриндик.

Таъкидланганидай дунё сиёсий майдонида кескин ўзгаришлар, икки хил стандартлар авж олган. Шундай паллада янги Ўзбекистон — тинчлик элчиси, дея эътироф этилаётгани бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз ички сиёсатдаги туб ўзгаришларни айни форматда ташқи сиёсатда ҳам кенг тарғиб этмоқда. Биргина мисол, сўнги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг халқаро миқёсдаги 11 та резолюцияси қабул қилинди.

Қонунлар амал қилинган вақтдагина яшайди, деган фикр бор. Янги Ўзбекистон Конституцияси улуғ аждодлардан мерос бўлган умуминсоний ғоялар, эзгу фикрлар билан бойитилган. Бундай қонун ортга қайтмас тус олган ислоҳотларга қувват беради. Жамиятни бир бутун халқ, ягона Ватан қилиб шакллантиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.
Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади.
Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият органлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддаси.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

Бугун Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, иқтисодий юксалиш ва улкан янгиланишлар майдонига айланди. Аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда. Шаҳарлар ва қишлоқлар обод бўлиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан барча соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар нафақат мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтармоқда, балки дунёга янги Ўзбекистон моделини намоён этмоқда.





> **Халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат ташкилотлари халққа, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши зарур.**
>
> **Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
> **Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ИЖРО ИНТИЗОМИ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ



Илҳом МАҲКАМОВ,
транспорт вазири

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “инсон қадри учун” тамойили асосидаги ислоҳотлар самараси бугун оддий инсонлар ҳаёти, кундалик турмушида, қўйингки, ҳар бир кунимизда ўз аксини топмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат ташкилотлари халқимизга хизмат қилмоқда. Бунинг замирида давлат органлари ва ташкилотларнинг барча бўғинида ижро интизоми бўйича яратилган ўзига хос механизмнинг амалий самараси мужассам.

Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 28 ноябрь куни ижро интизоми масаласида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ҳамда берилган топшириқлар ижросини барвақт, сифатли ва тўлақонли бажаришга яна бир бор ҳамманинг эътибори қаратилди.

Ижро интизоми тараққиётга етакловчи муҳим воситадир. Бинобарин, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг натижадорлиги бевосита уларни амалга оширишга қаратилган ҳужжатлар, қарорларни ижро этиш бўйича интизомнинг қатъийлигига боғлиқ. Айнан давлат идоралари ва ташкилотлардаги ижро интизоми ҳолатидан келиб чиқиб, ҳар бир тармоқнинг ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин.

Шу боис, кейинги йилларда барча соҳа ҳамда тармоқларда қатъий тартиб-интизомни таъминлаш бўйича ҳуқуқий асослар кучайтирилди. Хусусан, 2021 йил 10 февралда давлатимиз раҳбарининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 31 майда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият тизими жаҳон талаблари даражасида фаолият юритишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда асосий вазифамиз — ижро интизомини таъминлаш, вазифамизга сидқидилдан ёндашишдир.

Шунга кўра, Президентимизнинг мазкур фармон ва қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Транспорт вазирлиги тизимида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш бўйича бир неча йўналишда кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан:

Биринчи йўналишда қонунчилик ҳужжатлари ва тегишли топшириқлар лойиҳалари тайёрланиши устидан шахсий назорат ўрнатилган.

Иккинчи йўналишда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижрочиларга тезкор етказилиши, жумладан, улардаги вазифаларнинг моҳияти ва аҳамиятини Транспорт вазирлиги, тизим ташкилотлари ва ҳудудий транспорт бошқармалари ходимларига тушунтириш, назорат бандлари ҳамда топшириқларда аниқ механизмлар, муддатлар, масъуллар белгиланиши бўйича “йўл хариталари”, ҳаракат режалари ўз вақтида ишлаб чиқилиши устидан шахсий назорат таъминланди.

Учинчи йўналишда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалда назорат қилиниши шахсан ташкил этилиб, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тўртинчи йўналишда қонунчилик ҳужжатлари, топшириқлар ўз вақтида, тўлиқ ва натижали ижро этилиши, белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда мўлжалланган мақсадларга эришиш шахсан танқидий таҳлил қилинмоқда.

Ушбу йўналишлардаги ишлар ҳар бир раҳбар ва ходимдан шахсий жавобгарлик ҳамда дахлдорлик ҳиссини тўлиқ англаган ҳолда ўз ишига масъулият билан ёндашишни таъминлаб, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига хизмат қилмоқда.

Бугун вазирлик тизимида фаолият юритаётган раҳбар ва ходимларнинг қатъий ижро интизомига амал қилиши, топшириқларни ўз вақтида бажариши бўйича KPI тизими ишлаб чиқилган. Унда ходимлар ўзига юклатилган вазифаларнинг натижадорлиги асосида рағбатлантириб борилмоқда.

Шу билан бирга, ижро интизомини янада мустаҳкамлашда замонавий ахборот технологиялари ва бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ҳамда ижрони текшириш шаклларини такомиллаштириш муҳим омилдир.

Мазкур йўналишда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими орқали электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилгани вазирлик тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ижро этилишини назорат қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу тизим орқали ҳар бир ҳужжат ва топшириқ қисқа муддатда масъул ижрочиларга етказиб берилади, уларнинг ижро этилиш ҳолати реал вақт режимида кузатиб борилади. Қолаверса, мазкур автоматлаштирилган тизим самараси ўлароқ, Транспорт вазирлиги, тизим ташкилотлари ва ҳудудий транспорт бошқармаларида ҳужжатларни қоғоз шаклида келишиш ҳамда имзолаш амалиётига чек қўйилмоқда.

Тизим орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжат ва топшириқлари, уларнинг бажарилиш ҳолати, муддати, тасдиқлаш жараёни каби ҳисоботларни ижрочилар бўйича шакллантириш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, ижрога йўналтирилган ҳужжатларни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда махсус мобил илова орқали кўриб чиқиш, ижрога йўналтириш ва назоратдан чиқариш имконияти яратилган. Бу вазирлик тизимида иш юритишни сезиларли даражада тезлаштириш имконини бермоқда.



Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ҳужжатлари ва топшириқларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этиш юзасидан “технологик занжир” асосида Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда тизимли ишлар қилинмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2024 йил январь-ноябрь ойларида “Ijro.gov.uz” электрон тизимида назоратга олинган, Транспорт вазирлиги масъул бўлган жами 1012 та ҳужжат ва топшириқ ижроси ўз вақтида таъминланган.

Сўнгги йиллардаги иқтисодий ислоҳотлар самараси туфайли аҳоли турмуш даражаси ва мобиллиги кескин ортиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, авиақатновларга талабнинг бир неча баробар ўсишига сабаб бўлди.

Айни шу жиҳатни инобатга олган ҳолда нафақат вилоят марказларидаги халқаро аэропортларни ривожлантириш, балки чекка ҳудудларда жойлашган, узоқ йиллардан буён фуқаро авиаташувида фойдаланилмай келаётган кичик аэродромлар фаолиятини қайта тиклашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида Шаҳрисабз, Қўқон ва Зомин аэропортлари ишга туширилиб, Тошкент — Шаҳрисабз, Тошкент — Қўқон, Тошкент — Зомин йўналишларида авиақатнов йўлга қўйилди.

Қолаверса, Бухоро, Андижон ва Наманган халқаро аэропортларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ишлари бошланди. Мамлакатимиз авиация тизимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар натижасида республикамиз резидент авиакомпаниялари сони 17 тага (шундан 12 таси хусусий) етказилди. 2024 йилнинг ўтган даврида қўшимча 14 та ҳаво кемаси олиб келинди. Натижада миллий авиация паркимизда ҳаво кемалари сони 93 тага етказилди.

Жорий йилнинг 29 февраль куни давлатимиз раҳбари бошчилигида Хоразм вилоятини Қорақалпоғистон билан боғловчи, Амударё устидан ўтган “Шовот — Қораўзак” янги темир йўл линияси ва автомобиль йўли қўшма кўпригининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз транспорт тизимини ривожлантиришда улкан воқеа бўлди. Зеро, мазкур лойиҳа амалга оширилгунга қадар Амударё тумани аҳолиси автомобилда Нукусга бориш учун Урганч ва Беруний орқали юришга мажбур эди. Бунинг учун қўшимча 180 километр йўл юришга тўғри келарди. Поездда эса Хоразмнинг шарқ томонидаги Ҳазорасп кўпригидан ўтиб келинарди. Янги кўприк туфайли бу қийинчиликлар барҳам топди, халқнинг узоғи яқин бўлди. У орқали Қорақалпоғистон билан Хоразмни боғлайдиган энг яқин автомобиль ва темир йўл қатнови йўлга қўйилди.

> **ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН “ЯШИЛ ШАҲАРЛАР” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 30 ДОНА “YUTONG” РУСУМЛИ ЭЛЕКТРОБУС ХАРИД ҚИЛИНДИ. ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ЯНА 64 ТА ЭЛЕКТРОБУС КЕЛТИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.**



Шу билан бирга, айни дамда Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Келгуси йилдан Мискин — Нукус темир йўлини электрлаштириш режалаштирилган. Натижада Хива ҳамда Нукус шаҳарларига тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Хива йўналишида замонавий йўловчи поездлари қатновини ташкил этиш мақсадида Жанубий Кореянинг “Hyunday Rottem” компаниясидан юқори тезликдаги 6 та электропоезд харид қилиш бўйича шартнома имзоланди.

Юқори тезликдаги электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилиши билан Хоразм ҳамда Қорақалпоғистон аҳолисининг мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига бориб келиши осонлашади. Мазкур лойиҳалар ҳисобидан транспорт харажати 2 баробар қисқариб, йўловчи ташиш 30 фоиз ошади.

Темир йўл транспортида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида йўловчи вагонлари паркини янгилаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жорий йил январь-ноябрь ойларида янги 30 та йўловчи вагони ишлаб чиқарилди ҳамда 220 та йўловчи вагони таъмирланди. Йил якунига қадар таъмирланган ва модернизация қилинган йўловчи вагонлари сони 245 тага, бунинг ҳисобига йўловчи вагонлари паркининг умумий сони 505 тага етказилади. Натижада темир йўл транспортида йил якунига қадар 10 миллиондан ортиқ йўловчи ташиш прогноз қилинмоқда.

Автомобиль йўллари тармоғи мамлакатнинг барча ҳудудини бирлаштириб, ҳудудий яхлитлигини таъминлайди. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва аҳолининг яшаш сифатини оширади. Шу боис, мамлакатимизда автомобиль йўлларини қуриш, мавжуд йўллар тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, юртимизни халқаро транспорт тизимига уйғунлаштириш, минтақа орқали товарларни ташиш учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлакат транзит имкониятларини кенгайтириш мақсадида йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жорий йил 25 октябрь куни ушбу йўналишдаги энг йирик лойиҳалардан бири Қўнғирот — Бейнеу автомобиль йўлининг янгидан қурилган 240 километр қисмининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолиятини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Ушбу лойиҳа мамлакатимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган жаҳон транспорт-логистика тармоқларига интеграциялашувини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизими салоҳиятини ошириш мақсадларига эришишга қаратилган. Мазкур йўлнинг фойдаланишга топширилиши натижасида йўл ўтказувчанлиги кунига ўртача 4 мингдан 13 минггача оширилди ҳамда йўлдаги вақт сарфи 2,5 баробар тежалишига эришилди.

Яна бир муҳим йўналиш ҳудудларда жамоат транспорти тизимини ривожлантириш билан боғлиқ. Жамоат транспорти одамларнинг узоғини яқин қиладиган, аҳоли кайфиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган, харажати ва вақтини тежайдиган воситадир.

Президентимизнинг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида 2024 йилнинг шу даврига қадар ҳудудларда 365 дона замонавий автобус харид қилинди. Улар ҳудудларда брутто-шартнома асосида йўналишларга жойлаштирилди. Хусусан, Наманган шаҳри учун Хитойнинг “Yutong” компаниясидан йўловчилар учун барча қулайликка эга, сиқилган табиий газда ишловчи 36 дона замонавий автобус олиб келинди. Мазкур 36 та автобуснинг шаҳар ичидаги 3 та йўналишга брутто-шартнома асосида қатнови йўлга қўйилди. Брутто-шартнома тизими орқали қатновлар йўлга қўйилгунга қадар ушбу йўналишларда бир кунда 9100 дан ортиқ йўловчига 15-20 дақиқа оралиқ интервал билан жами 54 дона “Isuzu” русумли кичик сиғимли автобусда хизмат кўрсатилган бўлса, 36 дона замонавий автобус йўналишларга қўйилиши орқали бир кунда 15 минг 300 дан ортиқ йўловчига 10-12 дақиқа оралиқ интервал билан хизмат кўрсатилишига эришилди.

Фарғона шаҳри учун вилоятда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан эса 48 дона “Yutong”, “Zhong Tong” ва “Asia Star” русумли автобус сотиб олинди. Ушбу янги автобуслар бугун шаҳар ичидаги 4 та автобус йўналишида ҳаракатланмоқда. Мазкур йўналишларда ҳам йўловчиларга брутто-шартнома тизими асосида хизмат кўрсатиляпти.

Урганч шаҳри жамоат транспорти учун “Ўзмиллийбанк” АЖнинг кредит маблағи ҳисобидан Хитойнинг “Zhong Tong” компаниясида ишлаб чиқарилган 50 дона замонавий автобус харид қилинди. Ушбу автобуслар Урганч шаҳридаги 4 та автобус йўналишига брутто-шартнома асосида жойлаштирилади.

Харид қилинган автобусларнинг йўналишларга жойлаштирилиши орқали қатновларнинг оралиқ вақти 18 дақиқадан 10 дақиқага қисқариб, бир кунлик қатнов сони 736 тадан 1024 тагача оширилади. Жорий йил охиригача ушбу русумдаги автобуслардан яна 30 таси келтирилади. Натижада шаҳарда 16 йўналишда 148 та автобус ҳаракатланиб, ҳар куни 136 минг йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Қарши шаҳри учун “Asia Star” русумли 32 дона автобус харид қилиниб, брутто-шартнома асосида жойлаштирилиб, кунлик йўловчи ташиш ҳажми 3 баробар, оралиқ интервал эса 2 баробар қисқартирилишига эришилди.

Самарқанд шаҳрида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан замонавий 27 дона автобус олиб келиниб, шаҳар ичидаги 8 та автобус йўналишига жойлаштирилди. Мазкур йўналишларда брутто-шартнома асосида ҳаракатланиш йўлга қўйилгандан сўнг автобуслар оралиқ интервали 25-30 дақиқадан 10-15 дақиқага камайди.

Шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки маблағи ҳисобидан “Яшил шаҳарлар” дастури доирасида 30 дона “Yutong” русумли электробус харид қилинди. Йил якунига қадар яна 64 та электробус келтирилиши режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар самараси ҳаётимизда тўлақонли акс этиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича натижадорлиги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ижро этиш интизомининг қай даражада қатъийлигига боғлиқ. Зеро, ижро интизоми самарали йўлга қўйилиши, амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг ўз вақтида ижросини таъминлаш билан бирга, ҳудудлар ва йўналишлар кесимида ҳам ҳолатни яққол тасаввур ва таҳлил қилиш имконини беради. Тизимли таҳлил, ўз навбатида, соҳадаги айрим бўшлиқлар, ислоҳот талаб этадиган йўналишларни намоён этиб, халқимиз ҳаётини янада яхшилашга қаратилган бўлажак лойиҳаларни яратишга замин бўлиб хизмат қилади.

Бу эса пировард мақсади халққа холис хизмат қилиш бўлган Транспорт вазирлиги ва унинг қуйи бўғинлари мақсадларини рўёбга чиқариш, янги марралар сари аниқ одимлашига кенг йўл очади.

Жамиятимизда ислоҳотларни ўзида акс этган ҳамда тегишли муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг ўз вақтида, самарали ижро этилиши мамлакат тараққиётини белгилаш билан бирга, аҳоли ҳаётида фаровонликни таъминлайди.



кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатлар давлат органлари ва ташкилотларида қатъий интизом ўрнатиш ҳамда тегишли соҳалардаги иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Транспорт тизими мамлакатнинг юзи ва жаҳон билан алоқалари боғлиқлигини таъминлайдиган кўзгудир. Ушбу соҳадаги ижро интизоми мамлакат тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини белгилаб беради.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз транспорт

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддаси.



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар негизида ҳар бир фуқаро ўзини эркин ва ҳимояланган ҳис қиладиган, инсон ва унинг ҳуқуқлари устувор бўлган адолатли ва инсонпарвар жамиятни барпо этиш мақсади ётади.



Абдулҳаким ЭШМУРОДОВ, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Янги таҳрирдаги Конституциямиз мана шу ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва модернизация қилишга қаратилган. Мазкур ҳужжат давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари самарадорлигини ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос, инсон ва унинг манфаатлари янада самарали таъминланишига замин яратди.

Асосий қонунимизда гендер тенглик тамойилларига алоҳида аҳамият қаратилди, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида халқаро стандартларга мос ҳуқуқий асосларни шакллантириш нормалари назарда тутилди. Янги меъёрлар жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўналишларда эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятларни таъминлашга қаратилди. Бу ўзгаришлар гендер камситишнинг ҳар қандай кўринишларига чек қўйиш ва жамиятда аёллар ролини мустаҳкамлаш учун муҳим қадам бўлди.

Конституциянинг янги таҳририда давлат томонидан аёлларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қонунчилик ташаббуслари мустаҳкамлаб қўйилди. Масалан, давлат дастурлари аёлларни бошқарув лавозимларига тайинлашни, уларнинг тадбиркорлик фаолиятида фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш ва таълим соҳасида улар учун кенг имкониятлар яратишни назарда тутади.

Конституциявий ислоҳотлар парламентар ўзгаришларни ҳам қамраб олди. Яқиндагина мамлакатимизда парламент сайлови Конституцияда белгиланган янги нормаларга таянган ҳолда ўтказилди. Сенат таркиби сезиларли даражада ихчамлаштирилди, бу эса унинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга қисқартирилиши уларнинг фаолиятини янада мақсадли ва таъсирчан қилишга имкон яратади. Айни вақтда уларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилди, бу эса масъулиятни бир неча баробар оширди.

Сенат фаолиятидаги бу ўзгаришлар унинг давлат бошқарувидаги ролини янада мустаҳкамлади. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати функциялари кенгайтирилди, бу эса давлат идоралари фаолияти устидан самарали мониторинг ўрнатиш имконини беради. Шунингдек, Сенатнинг давлат органларини шакллантириш жараёнидаги иштироки янада кучайтирилиб, мазкур жараёнларда сенаторларнинг масъулияти ва нуфузи ортди. Бу эса муҳим қарорларни қабул қилишда ва давлат бошқарувини ривожлантиришда уларнинг алоҳида аҳамият касб этишини таъминлайди.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, айни даврда мавжуд глобал муаммоларга ечим топиш ва барча жабҳаларда бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга олиб чиқиш, тинчлик ва хавфсизликни барқарор таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби муҳим масалалар қамраб олинган. Пировардида Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари устувор бўлган кучли ижтимоий давлат сифатида аҳолининг юқори турмуш даражасига эга мамлакатлар қаторига қўшилишига эришиш вазифалари белгилаб олинди.



Бундан ташқари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими Бош қонунимизда муҳим ўрин эгаллади. Маҳалла институти Ўзбекистон жамиятининг қадимий ва анъанавий асосларига таянган ҳолда ҳозирги кунда ҳам демократиянинг муҳим элементи сифатида намоён бўлмоқда. Янгиланган Конституция маҳалла органларининг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаб, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ишлаш механизмларини такомиллаштирди.

Конституцияда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилди, бу эса ҳудудларни бошқаришда масъулият ва ҳисобдорликни оширишга хизмат қилмоқда. Маҳаллий кенгашлар ҳокимиятнинг янада самарали модели сифатида шакллантирилиб, уларнинг ваколатлари кенгайтирилди. Бу, ўз навбатида, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳудудий ривожланишни таъминлаш учун муҳим қадам бўлди. Энди маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазифаларини ҳал этишда кўпроқ мустақилликка эга.

Ушбу йўналишда аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда маҳалла институтининг аҳамияти алоҳида қайд этилади. Маҳалла жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги “кўприк” сифатида кўрилиб, унинг фаолиятини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Маҳалла институти фуқароларнинг муаммоларини жойида ҳал қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳолининг барча қатламларини жамият ҳаётига жалб қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Кенг кўламли демократик ислоҳотлар туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларидаги ўрни яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимиз рейтинги қонун устуворлиги бўйича 8 поғона, электрон ҳукумат бўйича 18 поғона, иқтисодий эркинлик бўйича 49 поғона, логистика ва инновация бўйича 10 поғона юқорилади.

Бу муваффақиятлар барчамизга катта куч ва ишонч бағишлайди, албатта. Бироқ эришилган ютуқларга қарамай, ушбу йўналишларда ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар бисёр. Халқаро рейтинглардаги ўрнимизни янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун бундан кейин ҳам изчил ислоҳотларни давом эттиришимиз зарур.

Конституциямизда муҳрланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш келгуси фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини ташкил этиши, бу борада Конституцияни ҳаётимизга татбиқ этиш парламент фаолиятининг бош мезони бўлиши кераклиги биз, парламент аъзоларининг олий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Конституциянинг аҳамиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш ҳар биримиз учун муҳим вазифадир. Ҳар бир юртдошимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида қонунга ҳурмат, ватанга меҳр ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш бу жараённинг ажралмас қисми бўлиб, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада ривожлантиришга замин яратади. Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаган ҳолда ҳар бир фуқаро ўзини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қилишига кўмаклашади.

Бизнинг вазифамиз Конституция устуворлигини таъминлаш, уни халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айлантиришдир. Бу мақсад йўлида ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз, қонунлар руҳини жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳис қилишига эришишимиз лозим.

Долзарб мавзу

МАМЛАКАТИМИЗДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИЙЛИКНИНГ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

2024 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис палаталари, ҳукумат, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар, таълим ва илмий ташкилотлар вакиллари ҳамда Конституциявий суд илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари қатнашди. Мажлисда Конституциявий суднинг 2024 йилда мамлакатдаги конституциявий қонунийлик ҳолати тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди.

Конституциявий қонунийликни таъминлаш давлатчиликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция мамлакатимизнинг келгусидаги конституциявий ривожланиш йўлини ҳамда халқ иродасига асосланган ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган замонавий ўзбек давлатчилиги асосларини белгилаб берди.

Бош қонунимиздаги норма ва принципларни ҳаётга татбиқ этиш, шу жумладан, жамият ва давлатни Конституцияга мувофиқ ҳуқуқий модернизация қилиш, конституциявий қонунийликни янада мустаҳкамлаш бўйича ишлар 2024 йилда ҳам фаол давом эттирилди.

Конституциявий суд ахборотида Бош қонунимизни амалга ошириш бўйича 15 та йўналишда олиб борилган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтилди, хусусан:

— ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг янги конституциявий концепциясидан келиб чиқиб, давлат органларининг фаолияти янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилди;

— сиёсий институтлар ва вакиллик ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилди;

— инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, шахснинг судланганлиги унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслигига оид кафолатлар кучайтирилди;

— давлатнинг камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш бўйича конституциявий мажбурияти доирасида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бошланди;

— шахснинг соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимини, тиббий суғуртани ривожлантириш чораларини кўриш мажбурияти доирасида хоспислар ташкил этиш, давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бошланди;

— таълим олиш конституциявий ҳуқуқини, алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбияни таъминлаш мақсадида олий ва профессионал таълим ташкилотлари талабалари ва ўқувчиларига бюджет маблағлари ҳисобидан таълим кредитини ажратиш тартиби такомиллаштирилди. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олишларини ташкил этиш ва уларни реабилитация қилиш соҳасида маъмурий тўсиқлар бартараф этилди;

— иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигининг конституциявий кафолатларидан келиб чиқиб, бу борадаги ҳуқуқий механизмлар ҳам сезиларли даражада кучайтирилди, хусусан, лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга 22 та ҳужжат ҳамда 4 та тартиб ва талаб, тадбиркорлик субъектларидан талаб қилинадиган 8 та ҳисобот ва статистика маълумоти бекор қилинди, солиққа оид айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари мақбуллаштирилди.



Конституциявий суд томонидан 2024 йилда конституциявий назорат тартибида 70 та қонун ва 218 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги ўрганилган.

Конституциявий суд ахборотида Бош қонунимизни амалга ошириш бўйича қатор таклифлар ҳам илгари сурилди.

Биринчидан, давлат хизматчилари ўртасида Конституция тарғиботини кучайтириш, ҳуқуқшунослик йўналишида дарслик ва қўлланмаларни Конституция асосида янгилаш бўйича ишларни якунига етказиш.

Иккинчидан, “Янги Ўзбекистон — маърифий жамият” концепцияси асосида конституциявий таълим масаласига алоҳида эътибор қаратиш, хусусан, парламент томонидан Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият дастури қабул қилиш. Бош қонунимизни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчиларини ушбу жараёнга тўлиқ жалб этиб, давлат хизматига ишга киришда Конституция асослари бўйича имтиҳонлар ўтказиш тизимини амалда татбиқ этиш бўйича ишларни жадаллаштириш.

Учинчидан, вилоят ва Тошкент шаҳрида кенгаш раислари ва ҳокимлар бошчилик қиладиган вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари алоҳида ажратилганини инобатга олиб, қонунлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатларига оид умумий нормаларни ҳокимлик ва маҳаллий кенгашлар ўртасида ажратган ҳолда аниқ таҳрирда баён этиш.

Тўртинчидан, вазирлик ва идораларнинг низомларини қайта кўриб чиқиб, уларда Конституцияни амалга ошириш бўйича ушбу ташкилот масъул бўлган вазифа ва функцияларини аниқ белгилаб қўйишга қаратилган алоҳида нормаларни белгилаш.

> **“Конституциявий суд томонидан 2024 йилда конституциявий назорат тартибида 70 та қонун ва 218 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги ўрганилган.**
> **Конституциявий суд ахборотида Бош қонунимизни амалга ошириш бўйича қатор таклифлар ҳам илгари сурилди.”**

Бешинчидан, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунда кам таъминланган шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш бўйича мурожаатларини Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқишда ҳам давлат ҳисобидан юридик ёрдам тақдим этишни белгилаш.

Олтинчидан, тартибсиз қурилишлар, қурилиш ишларида хавфсизлик чоралари кўрилмагани аҳоли ҳаёти сифат даражасига салбий таъсир кўрсатишини, шу жумладан, ёш болалар ўлимига сабаб бўлганини инобатга олиб, барча йирик қурилиш ишларида хавфсизлик кафолатларини ҳамда ушбу масалада қурувчи ташкилотлар фаолияти устидан назоратни кучайтириш, реновацияга оид муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш.

Еттинчидан, баъзи ҳудудларда фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотни эркин тасарруф этишда тўсқинликларга учраши ҳолатларини эътиборга олиб, барча масъуллардан товар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши бўйича конституциявий кафолатларга сўзсиз риоя этиш.

Саккизинчидан, Конституциядан келиб чиқиб, махсус қонунларда халқаро шартномаларнинг юридик кучи масаласини аниқ тартибга солиш, халқаро шартномалар нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш механизмларини очиб бериш, халқаро шартномаларни судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллаш учун ҳуқуқий ва процессуал асосларни такомиллаштириш.

Тўққизинчидан, тергов судьяси ваколатларининг қонуний асосларини яратиш чораларини тезлаштириш.

Ўнинчидан, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунда бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан давлат божини тўлаш масаласи бўйича ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш.

Конституциявий суд муҳокама қилинган масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, мутахассис ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборотни тасдиқлаш ҳамда уни Олий Мажлис палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси.

БУЮК ЮРТНИНГ БУЮК ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шарафига

Эй улуғ қомусим —
қутлуғ қонуним,
Элу юртим шаъни
нақш этилган китоб!
Сен —
менинг ҳуқуқий
дорилфунуним,
Сен —
қалбим қаърини
ёритган офтоб!

Сен борсан —
толеим,
камолим юксак,
Ишонч-ла боқурман
порлоқ эртамга.
Ҳар қандай минбарда
мен кериб кўкрак,
бахтим кўз-кўз қилсам арзир оламга.

Сўзимни ҳеч ким ман этолмас,
Ҳатто
ёвлар ҳам йўлимда бўла олмас ғов.
Асосим:
ҳақ ишга берганинг фатво,
Асосим:
эркимга бўлганинг гаров.

Эй ҳуқуқ оламин экспертлари!
Қиёсланг,
қиёсланг
қомуслар аро
Гувоҳдир
Қуёш,
Ой,
гувоҳ
Ер шари
Қомус йўқ
бизларнинг
қомусдан аъло!

Яна бир гап айтгум бўлса ҳам сал тўнг:
Куну тун қуёшу, моҳитоб ўзинг.
Аршда Ҳақ яратган тўрт китобдан сўнг
Ерда халқ яратган бош китоб ўзинг!

Завқ, қувонч уйғотмас қай дил қатида
Юртимда ҳаётнинг барқарорлиги?!
Боиси:
бизда зўр куч сифатида
англанар қонуннинг устуворлиги.

Кездим мен
дунёнинг кўп давлатларин,
Юртимга қиёслаб,
бўлдим шод, мамнун.
Бизларда ҳаттоки юрт сарҳадларин
қуролмас, ҳимоя қилади қонун!

Не-не халқ,
эллар ҳақ-ҳуқуқ ғамин еб,
Ҳамон хор-зор яшар
минг бор таассуф.
Шул боис,
бизларга кўз тегмасин деб.
Рости гап,
гоҳ қилгум келади "суф-куф".

Юртдошлар!
Биз-чун бахт —
омад барқарор,
Яқиндир бундан-да ёрқин келажак!
Бўлса гар шу тахлит Қонун устувор,
Бизнинг юрт, албатта,
Буюк бўлажак!

Шул боис, дилларда
жўшар муттасил
юксалиш туйғуси —
ўсиш туйғуси,
Бунга мард элим ва
сен —
ўзинг кафил
Эй, буюк юртимнинг
буюк қомуси!

Зиёвиддин МАНСУР,
"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби

Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти





Яхшиликдан ТАРАЛГАН НУР

ёхуд бир бутун халқ, ягона Ватан бўлиб яшаш сири

Нодир МАҲМУДОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимиз дунёвий демократик тараққиёт йўлини танлаб, ўз мақсади сари оғишмай дадил одимламоқда. Янгиланган Конституциямизда белгилаб қўйилган дунёвий давлат принципи турли дин ва мазҳаблар ўртасидаги бағрикенгликка асосланган ўзаро тушуниб яшаш тарзи, дин ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий тенглик, тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш учун муҳим ҳуқуқий кафолатдир.



Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Ҳар бир миллатнинг ўз тили, дини, маслаги, қадриятлари, анъаналари бор. Мазкур маънавий омилларнинг амал қилиши миллатлараро тотувликнинг муҳим шартларидан бири саналади. Давлатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган.

Юртимизда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этиб келинадиган миллатлараро ҳамжиҳатликка давлат юритаётган тизимли сиёсатнинг ҳосиласи сифатида қараш лозим. Ушбу ғоя ва умуминсоний тамойил янги таҳрирдаги Конституциянинг тегишли моддаларида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Бош қонунда "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади", "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади" деган мезонлар мустаҳкамлаб қўйилди.

Миллатлараро тотувликни таъминлаш мамлакатимизнинг замонавий давлат сифатида ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро муносабатлар соҳасида белгиланган вазифалар доирасида 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Шунингдек, 2019 йил 15 ноябрда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси қабул қилиниши миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янги босқичга кўтарди.

Концепция миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга замин яратди. Унга кўра, мазкур йўналишда ягона давлат сиёсатини юритиш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида конструктив ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни шакллантириш бўйича янги тизим жорий этилди, яъни Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил қилинди.

Қўмита миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

2021 йилда мамлакатимизда 30 июлни Халқлар дўстлиги куни этиб белгилаш тўғрисида қонун қабул қилинди. Миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшган маҳаллий ва хорижлик ҳамкорларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида 2021 йил 1 июнда "Халқлар дўстлиги" кўкрак нишони таъсис этилди.


Ҳукуматнинг 2023 йил сентябрдаги қарорига асосан, таъсис этилган "Диний бағрикенглик" кўкрак нишони диний-маърифий соҳа самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшган давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларини рағбатлантириш имконини беради.

Аҳолининг кўп миллатли бўлишига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қулай омили сифатида қаралади. Ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ҳисобига халқаро майдонда давлатимиз обрўси ошиб бормоқда.

2018 йилда БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциясига мувофиқ, Ўзбекистон етакчиси таклифига асосан, ҳар йили 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб юртимизда ўтказилаётган "Бағрикенглик ҳафталиги" халқлар ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишини таъминламоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми — 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, стратегиядаги мақсадлардан бири жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги тегишли вазифаларни ўз ичига олган.

Сўнгги йилларда миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш борасидаги ташаббуслар асосида ноёб тизим яратилиб, янги Ўзбекистондаги туб ислоҳотлар натижасида қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар



қайта тикланиб, азалий ришталар мустаҳкамланиши халқимизнинг хоҳиш-истаклари, орзуларини ўзида ифода этмоқда. Бу борада Марказий Осиё минтақаси халқларини ушбу ҳудудда яшаган буюк мутафаккирларнинг бой меросини қайта жонлантириш орқали бирлаштиришга катта урғу берилмоқда. Бағрикенглик сиёсати Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлигида ҳам муҳим бўғин ҳисобланади.

Республикада яшовчи халқларнинг дўстлигини, миллий ҳис-туйғуларни, маданий анъаналарни астойдил ҳурмат қилиш асосида улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни тарғиб қилиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш бағрикенглик тамойилининг ёрқин намунасидир.

Тутқич беришни истамаётган таҳдид

Миллатлараро бағрикенглик, миллатлараро муносабатлар мамлакат ҳудудида истиқомат қиладиган миллатлар ва элатлар ўртасидаги, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Ушбу умумбашарий қадрият турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Замонавий дунёда турли таҳдид ва хавф-хатарлар ортиши, геосиёсий тўқнашув ва ноаниқликлар юзага келиши миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласини янада долзарблаштирмоқда. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида собиқ иттифоқ ҳудуди бўйлаб миллий низолар авж олганини аксарият ўрта авлод вакиллари яхши эсласа керак. Ўша пайтлари халқларни бир-бирига гижгижлаш, улар ўртасига нифоқ солиш, бузғунчиликни мақсад қилган ҳаракатлар очиқ-ошкора амалга оширилган. Ким, қаерда, қандай йўл тутаётгани барчага маълум эди. Аммо бу ҳаракат шунчалар оммавий тус оладики, уни жиловлаб бўлмай қолади. Шундай ғараз мақсадли кучлар, нияти бузуқ ғаламис кимсалар ҳозир йўқ дейсизми. Бор, фақат масалага ёндашуви, ҳаракат услублари ўзгарган.

Бугун илғор технологиялар уларнинг қуролига айланган. Интернет, мобил алоқа воситалари орқали уюштирилаётган ахборот хуружлари, ижтимоий тармоқлар орқали аста таъсир қилувчи чиқишлар, инсон, хусусан, ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган СМС хабар ва постлар, бизга демократия ниқоби остида тиқиштирилаётган илмий-оммабоп, ҳужжатли ва бадиий форматдаги фильм-сериаллар, бадиий асарлар ана ўша ғаразликнинг замонавий кўринишларидир. Бу таҳдид эса мудом тутқич бермаслик пайида. Демократия ва унинг мақсади ўзи нима, у қандай бўлиши керак, деган масала эса алоҳида мавзу.

Шундай мураккаб вазиятда Ўзбекистонда юритилаётган сиёсат, огоҳлик ва ҳушёрликка чақирув, юқори минбарлардан куйинчаклик билан айтилаётган фикрлар ҳамда кўрилаётган амалий чора-тадбирлар замирида халқимизни турли офатлардан асраш, миллатлараро тотувликка, бағрикенгликка путур етказмаслик, тинч-тотув ҳаётни таъминлаш мақсади мужассам.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бирмунча вақт илгари Республика Маънавият ва маърифат маркази медиамаҳсулотларни маънавий экспертизадан ўтказиш зарурлиги борасида қатъий таклифни илгари сурди. Масаланинг моҳиятини тўлиқ англаб-англамай айрим сайтлар, ижтимоий тармоқ ва блогерлар таклиф юзасидан танқидий фикрлар, жумладан, "Бу цензура, сўз ва ижод эркинлигига таҳдид", "Бу экспертиза ахлоқ пардаси ҳимоячисими ёки медиамакон назоратчисими?" қабилидаги мулоҳазаларни ўртага ташлади.

— Ижтимоий тармоқларда тақдим этилаётган видеоматериалларни кўриб, улар ўғил-қизларимиз, фарзандларимиз тарбиясига қандай таъсири қилишини ўйлаб қоласиз, — дейди Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов. — Шу маънода, ижтимоий тармоқларда интернет нашрларда эълон қилинаётган материалларни маънавий экспертизадан ўтказиш тўғри бўлади. Автофалокатларда рўй берган жараёнлар, инсонларнинг яримжон бўлиб ётиши, 10 қаватли бинодан ўзини ташлаб юбориши, жонига қасд қиладиган ёки ўзини ёқиб юборадиган аёллар тасвирларини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ёшларимиз ва кенг жамоатчиликка салбий таъсир қилади. Уларни назорат қилиш керак. Бунинг сўз эркинлиги бўғилишига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Одамларимиз давлат телеканалларига қараганда хусусий телеканалларни кўпроқ томоша қилади. Улар баъзан фойдали ахборот билан эмас, балки бадиий савияси паст, мазмуни саёз сериаллар, шоуменларнинг бачкана қилиқларию тутуриқсиз кўнгилочар шоу-дастурлар, бемаъни, енгил-елпи қўшиқлар, шов-шувли янгиликлар билан одамларни ўзига жалб қилмоқда. Уларнинг аксарият кўрсатувлари инсон онгу тафаккури, руҳияти, дунёқараши, маънавиятига, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи ахборот — маънавий заҳардир.

Медиамаҳсулот яратиш ва тарқатиш қоидаларини замон талаблари, ҳаёт воқеликлари, соғлом ахборий ва маънавий муҳит яратиш заруратидан келиб чиқиб такомиллаштириш, қонунларимизга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бу борада қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш — ҳаётий зарурат.

Биз бир бутунмиз

Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар марказида, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади турар экан, фуқаролар манфаатларини фақатгина тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш орқали таъминлаш мумкинлиги тобора аёнлашиб бораверади.

Ўзбек заминида истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари ўз салоҳиятини тўлақонли амалга ошириши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун конституциявий кафолатлар белгиланган. Бунда, энг аввало, фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш алоҳида эътиборга олинган.

Ўзбекистон қадимдан турли миллат ва дин вакиллари тинч ва эркин яшаб, ўз диний маросимларини бемалол бажараётган бағрикенг мамлакат сифатида қадрланади. Мамлакатимизда бу борада юритилаётган изчил сиёсат халқимиз, жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Баҳор ойларида кўп қаватли уйимиздаги хонадонларнинг бирига янги қўшни кўчиб келди. Кечки пайт ишдан қайтаётсам, кўринишидан уч-тўрт ёлланма ёрдамчи билан юкларини ташиб киритаётган экан. Йўлакка яқинлашганимда, уларга қараб одатимизга кўра "Хормanглар!" дедим.

— Ассалому алайкум, бор бўлинг, — деган жавобни эшитиб, таққа тўхтадим. Негаки миллатдошларимиз бўлган ёрдамчилар орасида миллати корейс экани англашилиб турган ўзим тенги эркакнинг соф ўзбек тилида ва қадриятларимизга хос тарзда берган жавобидан ҳайратим устунлик қилди.

— Яхши жойлашиб оляпсизларми? Сиз янги қўшни бўлсангиз керак?

— Ҳа, раҳмат. Насиба қўшилган экан, мана сизларга ҳамсоя бўляпмиз. Қўшничилик — минг йилчилик. Ака-ука бўлиб кетамиз ҳали. Биз 3-қаватга келяпмиз. Сиз қайси қаватда турасиз?

Бу гаплар энди аввалгисидан ҳам ортиқ каловлантирадиган даражада эди. "Ёки ташқи кўриниши бошқа миллатга ўхшайдию, ўзи ўзбекмикан?", деган ўй ҳам зумда хаёлдан кечди. Таништик, тадбиркорлик билан шуғулланувчи бу йигитнинг исми Айвар экан, "лекин ҳамма каби Анвар деяверасиз", деб қўшиб қўйди.

Анвар салом-алиги жойида, мулозаматлари ўзбекча бўлгани учун қўшнилар билан тезда чиқишиб кетди. Ҳатто уйига 10 чоғли одам чақириб, танишув маросими ўтказди, дастурхонини ўзбекча безатиб, миллий таомларимиздан тортди. Тўй-маъракаларда фаол қатнашади, наҳорги ошларга бизга қўшилиб чиқади, "Нима ҳизматлар бор?" деб қўли доим кўксида.

— Ўзбек заминида туғилиб, одамлардан фақат яхшилик кўриб вояга етдим. Ҳаётда ўз ўрнимни топишда бирор марта миллатчилик, яккалаш, камситиш каби ҳолатларга дуч келмадим. Дўстларим, танишларим, ҳамкасбларим орасида ўзимни бегона ҳис қилмайман — биз бир бутунмиз. Нега энди шу одамлар сўзлашадиган, мен учун ҳам она тили даражасига тенг тилни ҳурмат қилмаслигим керак. Мен кўрган яхшиликларимни ҳеч қачон ёддан чиқармайман, — дейди ўзимизнинг Анваржон.

Бундай юртдошларимиз ҳар бир маҳалла, гузар, мавзеларда кўплаб топилади. Бу ҳам дунёвий давлатда миллати, тили, эътиқодидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ва улар учун бир хил шароит яратилишига ишорадир.

Яхшилик нур келтиради, ёмонлик — зулмат, деган ҳикмат бор. Яхшиликнинг пойдевори эса мустаҳкам бўлади. Юртимиздаги миллатлараро ва давлатлараро тотувлик, бағрикенглик атрофида бунёд бўлган дўстлик ва ҳамжиҳатлик қўрғони яхшиликларнинг ана шу мустаҳкам пойдеворига суянади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатини чоп этилишига "Kolorpak" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 4332.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнерлар: Хуршид Абдуллаев, Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 01:05 Топширилди — 01:10